

Фахрландик



15:28 / 04.07.2023 1935

Муносабат

Ҳар қандай шахснинг салоҳияти, меҳнату хизматлари ва албатта, муносиб тақдирланиши жамият ҳаётида ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга воқеа ҳисобланади. Хусусан, эл-юрт меҳрини қозонган инсонга бўлган юксак эътибор ўша халқ вакиллари қалбида, шуурида давом этади. Халқ оддийгина қилиб, лекин чин қалбдан, ҳаяжон-ла, «Айни муносиб инсонга берилибди!» дея муносабат билдиради, тасанно айтади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониға мувофиқ, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ раиси, муфтий, марҳум шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан мукофотлангани ҳақидаги хушхабарни эшитган илк лаҳзалардаёқ кўнгилда бир олам таассурот жонланди.

Ўрни келганда, аввало, мамлакатимиз ижтимоий-маданий-маърифий ҳаётида Имом Бухорий номи билан аталган Олий даражадаги орден таъсис этилганини фавқулодда унутилмас ва тарихий воқеа сифатида алоҳида таъкидламоғимиз даркор. Зеро, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий раҳматуллоҳи алайҳ бизнинг ватандошимиз, фахримиз, ғуруримиз – манглаймизда порлаган юлдузимиздир. Ул Зотнинг муборак исм-шарифлари, имонли инсоният маънавияти поклиги йўлидаги бемисл хизматлари бутун дунё ислом аҳли томонидан эътироф этилган ва этилажакдир.

Исломий эътиқод тарихи турфа замон ва даврда ўчмас из қолдирган улўф ва бетакрор инсонлар тарихига чатишиб кетган. Собит эътиқод соҳиблари ўз ҳаёт йўллари, сўзлари ва амаллари билан замондошлари учун йўлчи юлдузлик вазифасини адо этган. Фикримча, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф давримизнинг ана шундай забардаст инсонларидан эди.

Шайх ҳазратларининг Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг раиси, мустақил Ватанимизнинг биринчи муфтийси сифатидаги фаолияти ниҳоятда мураккаб даврга тўғри келди. Ижтимоий ҳаёт ва диний эътиқод, шахс ва жамият, имон ва ахлоқ тушунчалари ўртасидаги мулоқотлар нафақат баҳсли, балки ғоятда зиддиятли, ҳатто можароли кечган вазиятларда кенг оммани ва халқни ҳушёрликка чорлаш, тўғри ва соғлом йўлга бошлашга бўлган эҳтиёж ниҳоятда ортди. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф шахси бутун салоҳияти билан айна ўша мураккаб даврда жамиятимизнинг илғор ва етакчи вакили сифатида намоён бўлди. Каминага ўша кезлар Ҳазратни турли вазиятларда, турли ҳолатларда кўриш, кузатиш, ул муҳтарам Зот билан мулоқотда бўлиш бахти насиб этар экан, бир ноёб жиҳатдан ҳайратга тушганимизни унутиш қийин.

Гап шундаки, қандай мавзумуаммо, қандай баҳсли ҳолат бўлмасин, Ҳазрат ғоятда вазминлик-босиқлик билан муносабат билдирар, орада туғилган нифоқнинг оқилона ечимини ўртага ташлар, янада муҳими, мулоҳазаларида заррача тараддудланиш, иккиланиш, тахмин ё мубҳамликка йўл қўйилмасди. Бу муқаррар — имоннинг, исломий илмнинг, тафаккур салмоғининг пухталиги шарофати эди!

Ҳазрат улкан ташкилотчи инсон эди. Муфтий сифатида мамлакат диний ҳаётини йўлга қўйиш, айниқса, диний саводхонликни такомиллаштириш борасида тиним билмади, хоҳ илмий хоҳ ташкилий, хоҳ маънавий-хоҳ молиявий муаммо бўладими, ечимини топар, мутахассисларни сафарбар

этар, рағбатлантирар эди. Бунда ҳам зоҳирий, ҳам ботиний салоҳият (ҳозирги илмий лаҳжада айтсак – харизма!) катта таъсир кучи-қувватига эга бўларди.

СССР халқ депутаты сифатида Совет Иттифоқининг сўнгги президенти М.Горбачёв билан юзма-юз мулоқот якунида президент у кишидан тилга олинган диний мавзу ва муаммоларни қоғозга тушириб беришни сўрайди. Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари тонгга қадар барча муаммоларни, жумладан, мусулмонларнинг ҳаж зиёратига бориш масалаларини бир неча ўн саҳифада, табиийки, рус тилида баён этиб, топширади. Коммунистлар олий раҳбари Ҳазрат билдирган мулоҳаза, эътироз ва даъволарнинг бирортасини рад этолмайди...

1992 йил. Макка шаҳрида жойлашган Ислом олами робитасида бўлган бир неча йиғилишда иштирок этишга тўғри келди. Ҳазратимиз араб тилида истифода этган маърузалари, нутқлари дунё ислом оламининг казо-казолари томонидан ниҳоятда катта эътибор билан тингланди. Фахрландик, бошимиз осмонга етди! Айни дамда Ўзбекистон Президентининг ушбу фармони Ҳазратимиз ҳаётлик чоғларида аъзоси бўлган кўплаб халқаро исломий ташкилотлар томонидан зўр эътибор ва мамнунликка сазовор бўлишига шубҳа йўқ.

Ҳазратнинг диний маърифат тарғиботи йўлидаги хизматлари беқиёс. У киши катта ғайрат, адоқсиз муҳаббат ва таърифга сиғмас жонбозлик ила меҳнат қилдилар: ўнлаб асарлари миллионлаб нусхаларда мамлакатимизда, хорижий диёрларда қўлма-қўл ўқилмоқда.

...Ҳазратга ёшлигидаёқ оталари китоб совға қилди. Бу – Исмоил Бухорийнинг «Ал-адаб ал-муфрад» номли иккинчи бош асари эди. Тарих ғилдираги дориломон замонларга етказмоқда халқимизни. Буюк муҳаддис қаламига мансуб ўша асар Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари таржимасида «Одоблар хазинаси» номи билан (4 жилддан иборат) кўнгилларимизни мунаввар қилмоқда.

Қадри баланд донишманд зотларимиз мероси ардоқ топган юртда имон-эътиқод, жумладан, поклик, тўғрилиқ халқимизнинг ардоқли фазилатларига айланаверади.

Хуршид Дўстмуҳаммад

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати, ёзувчи**

Манба: «Янги Ўзбекистон» газетаси 2023 йил 4 июль, 130-сон